

**БАДИЙ ТАРЖИМА ТИЛШУНОСЛИК,
АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАЛАР
КОНТЕКСТИДА**

(Республика илмий-амалий анжумани
материаллари,

Жиззах, 2011 йил 22-23 апрел)



**ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПЕРЕВОД
В КОНТЕКСТЕ ЛИНГВИСТИКИ,
ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЯ И
МЕЖКУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ**

(Материалы республиканской
научно-практической конференции,
Джизак, 22-23 апреля 2011 года)

**LITERARY TRANSLATION IN THE
CONTEXT OF LINGUISTICS, LITERATURE
AND INTERCULTURAL RELATIONS**

(Materials of the Republican
scientific-practical conference,
Dzhizak, 22-23 April 2011 year)



Бадий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2011. - 374 бет.

Ушбу тўпلامдан таниқли филолог олим, профессор М.Н.Холбеков таваллудининг 60-йиллигига бағишланган "Бадий таржима тилишунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари ўрин олган.

В данный сборник включены материалы республиканской научно-практической конференции на тему: «Художественный перевод в контексте лингвистики, литературоведения и межкультурных связей», посвящённой 60-летию видного учёного-филолога, профессора М.Н.Холбекова.

This collection includes materials of the republican scientific-practical conference on the topic: "Literary Translation in the context of linguistics, literature and intercultural communication", dedicated to the 60-th anniversary of outstanding scientist philologist, professor M.N. Holbekov.

Тахрир хайъати:

проф. О. Дўсматов (раис)
акад. Б.Назаров
проф. У.Норматов
проф. Ш.Сафаров
проф. А.Абдуазизов
проф. Ж.Жалолов
проф. С.Рахимов
проф. Б.Йўлдошев
проф. Д.Тўраев
проф. А.Маматов
проф. У.Жуманазаров
проф. М.Холбеков (масъул мухаррир)
проф. Д.Кулмаматов

Мақолаларнинг сифати учун муаллифлар масъул



БАДИЙ ТАРЖИМАДА "ОҚ" РАНГ ВОСИТАСИДА ХОСИЛ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ БЕРЎЛИШИ

Хожинова Г.С. (ЎзМУ)

Маълумки, ўзликни англаш ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. [1] Ҳар бир ўрганилган тил инсонга янги ҳаёт бағишлайди. Бугун биз тадқиқ этаётган француз адаблари яратган асарларнинг ўзига хослик тарафларидан бири — бу уларда ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар (ФБ)дан фойдаланганликларидир. Улар ўз асарларида ранглар орқали инсон характери, ҳис-туйғулари, воқеа-ҳодисаларни ифодалаш орқали асар моҳиятининг ўзига хослиги ҳамда бетакрорлигини таъминлагандир.

Французларда ажойиб бир нақл бор: "Chacun a sa maniege" яъни, "Ҳамманинг ўз услуби бор". Шу сабабли биз ушбу мақолада бу борада иш олиб борган — ўз асарларининг эстетик ва маъно жиҳатдан қўламдор бўлишини таъминлашда айман ранглар воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлардан фойдаланган француз ёзувчилари асарларига мурожаат этамиз.

Оқ ранг ҳаётимизда энг кўп қўлланилувчи ранглардан бири ҳисобланади. Француз адаблари асарларида мазкур ранг воситасида ҳосил бўлган ибораларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан, "Voix blanche" ФБ ўзбек тилида икки хил маъно касб этади, биринчидан, "ҳиссиз овоз" тарзида образли бирикма ҳосил қилади. Ушбу ибора сўзма-сўз таржима қилинганда "оппоқ овоз" деган маънони беради, аммо фразеологик нуктаи назардан, у "кўркув ва хаяжондан титраган овоз", "паст овоз" демакдир. Агар ўқувчи уни таржима қилиш жараёнида махсус фразеологик лугатдан фойдаланмаса, асар моҳиятини тушуниб етиши ва тўла англаши мумкин бўлмай қолади.

Француз тилида: *Jenny avait saisi son bras et s'y agrippait. Ses traits étaient décomposés: — Qu'est-ce qu'ils vont vous faire? — demanda-t-elle d'une voix blanche (Martin du Gard, "Les Thibaults").*

Ўзбек тилида: *Женни унинг қўлларини қаттиқ қисди, унинг юзи кўркувдан докадек оқариб кетган эди: — Улар нима қилишмоқчи? — сўради у титраган овоз билан. (Таржима Х.Г.)*

Иккинчидан, бу ибора "ҳиссиз, бир хил товуш" маъносини англатиши.

Француз тилида: *Du salon viennent des grands cris, des rires fous, et la voix blanche de Valère, le chef de la danse... (A. Daudet, "L'Immortel").*

Ўзбек тилида: *Меҳмонхонадан қаттиқ қичқириқлар, қаҳқаҳалар ва ўйинчилар бошилиги Валерийнинг ҳиссиз товуши эшитилар эди. (Таржима Х.Г.)*

Яна бир ФБ "Voir tout en blanc" — "хамма нарсани гўзал кийфада кўрмоқ" идиоматик ибораси оптимист одамларга нисбатан қўлланилади.

Француз тилида: *M. de Chevreuse, toujours équanime, toujours inspirant, toujours voyant tout en blanc, essaya de nous prouver, par ses raisonnements de physique et de médecine, qu'il y avait plus à espérer qu'à craindre... (Saint-Simon, "La Cour de Louis XIV").*

Ўзбек тилида: *Ҳар доим ақолиликка интилувчан, хамма нарсани гўзал кийфада кўрадиган, руҳин хотиржам эсаноб Шеарез бизга физика ва медицина қонунарига таяниб, кўрққандан сўрашмоғига кўнрақ асос боришини енгидиратган ҳаракат қиларди. (Таржима Х.Г.)*

Ушбу иборанинг французча шаклдаги "blanc" сўзи доминант саналади. Ўзбек тилида эса "оқ" ранг яхшилик аломати ҳисобланиб, бунини биз ўзбек менталитети асос этадиган рамзий маънодаги "кўнгли оқ", "оқ йўл тиламоқ" каби сўз ва сўз бирикмаларида ҳам кўришимиз мумкин. Шу нуктаи назардан ушбу ўринда "хамма нарсани гўзал кийфада кўрмоқ" ҳиссий-бўёқдор ибораси ажулдога келган. Гарчи "voir tout en blanc" ва "хамма нарсани гўзал кийфада кўрмоқ" иборалари ўзара яқинлигини ҳисобланса-да, улар орасида шаклий ўхшашлиги мавжуд эмас.

"Montrer patte blanche" идиомаси ўзбек тилига тургун ибора тарзида ўгирилади. Бу ибора "белги бермоқ", "билдирмоқ" маъносини англатади.

Француз тилида: *José a sonné deux fois, comme il était convenu, pour montrer patte blanche (D'après Flobert G. Correspondance).*

Ўзбек тилида: *Худди олдиндан келишилгандек, ўзини билдириши учун Жозе эшик қўнғирогини икки марта босди. (Таржима Х.Г.)*

"Laisser une marge blanche" ибораси ҳам француз тилида идиоматик ибора саналади. Ўзбек тилида эса "сукут сақламоқ" тарзида тургун иборага айланган. Ушбу ибора ўрғинида қуйидаги мисолни кўриб ўтамиз:

Француз тилида: *Elle ne disait que les choses qu'on était bien obligé de dire et laisser pour le reste une grande marge blanche... (E. Triolet, "Personne qui ne m'aime").*

Ўзбек тилида: У фақат айтишига мажбур бўлган гапларнигина айтар, қолганларига сукут сақларди. (Таржима Х.Г.)

Бу таржимада албатта, аслиятдаги маъно тўла акс этган. Аммо идиоматик иборалар миллий тил хусусиятларини ифодалагани сабаб, ушбу ибора маъноси мазкур ўринда тўғри берилган. “Фразеологизмлар ҳам лексик бирликлар каби ўз синоним ва вариант қаторларига эга, бу уларнинг маъноларини ифода қилишда, тил бойлигини оширишда катта аҳамиятга эга”. [2] Шунга таяниб, ФБни ўзбек тилида мос идиоматик ибора билан акс эттирсак, “оғзида катик ивритмок”, образли тарзда бермоқчи бўлсак, “мум тишламок”, “оғзига талқон солмок” сингари таржима қилиш мумкин. Юқоридаги мисолда эса “сукут сақламок” ибораси ўринлидир.

“Se regarder (dans) le blanc des yeux” — “кўзига тик бокмок”, “юзма-юз келмок” иборасида ўзига хослик мавжуд.

Француз тилида: *Ah! Ah! s'est-il écrié, en frappant du poing, il veut s'évader encore comme a Grandpré... mais je ne lui laisserai pas le temps, et cette fois nous nous regarderons le blanc des yeux* (A.Theuriet, “La Chanoinesse”).

Ўзбек тилида: Аҳа, ҳали ишмақами! — ҳансиб қилди Ренар, столга мушқлаб, — у яна

Гранпредагидек қочишга чоғланган. Лекан бу сифар унга имкон бериб бўлмади. Бу сифар унга мен билан юзма-юз келишига тўғри келади. (Таржима Х.Г.)

Ушбу ўринда иборанинг француз ва ўзбек тилларидаги маъноси образлилик даражасига мувофиқ келгани ҳолда таржимада адекватлиқни акс эттирган.

Оқ ранг воситасида ҳасил қилинган французча фразеологик бирликларидаги “беланс” адиблари асарларида қўлланилишини таҳлил қилиб, уларнинг ўзбек тилига таржимасини солиштирганда, бу иборалар турғунлик ва образлилик даражалари билан бир-биридан фарқ қилишини кўриб ўтдик.

Умуман олганда, “таржима — халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ва ҳамкорлик шартшартларида, улар ўртасидаги иқтисодий-сийёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилувчи қурулди қурулди”. [3]

Ранглар воситасида ҳасил бўлган фразеологик бирликлар эса бадний асар кийматини оширишда, унинг тилини ширал ва бетакрор қилишда катта рол ўйнайди. ФБ таржимасининг адекватлигини таъминлаш эса таржимонлар учун доимо қилинган таъбиб қилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. Т., Маънавият, 2009
2. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норми муаммолари, Т., 1991
3. Мусаев К. Таржима назарияси асослари, Т., Фан, 2005
4. Martin du Gard R. Les Thibault, M., Édition du Progres, 1966
5. Рецкер Я.И. Французско-русский фразеологический словарь, М., 1963
6. Flobert G. Correspondance, M., Editions en langues étrangères, 1978

Элчибеков Н. (ЎЗМБ)

“ЧЎЛ БЎРИСИ” АСАРИНИНГ ҲОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАҲЛИЛИ

Ҳар бир муайян асарнинг тили ва услуби унинг режаси билан бирга етилади, — дейди Н.Рилленко. — Тилни халқ яратади, аммо унга ишлов бериб бадийлаштирувчилар сўз санъаткорларидир... Ёзувчининг тилга онд дили ва иқтидорини унинг китобий нутқ билан жонли нутқ унсурларини канчалик яхши уйғунлаштира олиши белгилайди. [1] Жонли халқ тили билан адабий тилни бир-бирига қандай қилиб, уларни қай тарзда уйғунлаштириш масаласини ҳар бир ёзувчи ўз олдида ғоявий-бадий вазифасидан келиб чиқиб, ўзига хос дид, иқтидор, ҳаётий тажриба иштирокида мустақил ҳал қилади. Уларнинг тил ва услубларидаги хилма-хиллик ҳам бир жиҳатдан мана шундан келиб чиқади.

Шу ўринда, ўқиган асарнинг биринчи ярми 1927 йил, яъни олмон ёзувчиси Ҳерманн Хессе таваллудининг 50 йиллиги арафасида “Чўл бўриси” асари яратилганини эътироф этмоқчимиз. Мазкур асарда ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-руҳий зиддиятларни енгиш йўлидаги саз- ҳаракатлар ҳақида гап боради. “Чўл бўриси”да Ҳерманн Хессенинг аксарият асарларида қаламга олинган Рухга мурожат этиш услуби ўзининг ақуний ва тўлақонли ифодасини топган.

Томас Маннинг эътирофига кўра, мазкур асар унга “анчадан буён илк бор ҳақиқий китоб мутолааси нималигини қайтадан ўргатган асардир”. Петер Вайс эса, бу ерда менинг ҳолатим, аниқроғи инкилобчи бўлишни